

## ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ РОЛИ

Ш.С.Олтаев

СамИСИ доценти, и.ф.н.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада меҳнат миграциясининг мамлакат иқтисодиётига таъсири, унинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари ҳамда ҳозирги молиявий ресурсларнинг катта миқдорини ташкил этадиган меҳнат миграцияси ҳажмининг ўсиши шароитида уларни иқтисодиётга таъсири механизмини кучайтириш керак эканлиги баён этилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат миграцияси, миграция омиллари, миграция сабаблари, меҳнат бозори, меҳнат ресурслари, пул жўнатмалари, меҳнат миграциясини тартибга солиш.

### КИРИШ

Бугунги кунда меҳнат миграцияси жараёнлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. **Миграция миқёслари глобал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўшиш динамикасига (пул жўнатмалари), бошқа асосий макроиктисодий кўрсаткичларга (ишсизлик даражаси, савдо таркиби), шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солиши ҳамда миграция қонунчилигидаги ўзгаришларга жуда катта таъсир қиласи.**

Жаҳон хўжалиги ривожланиб, мамлакатлараро интеграцион алоқалар кучайиб борган сайин, меҳнат миграцияси ҳам тобора интенсивлашиб бормоқда. Ривожланган мамлакатлар ва иқтисодий қолоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқларнинг узлуксиз чуқурлашиб бораётгани ҳам ушбу жараёнларни жадаллаштиришга кучли таъсир кўрсатмоқда. Чунки меҳнат миграцияси кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида миграциянинг ўзига муносиб иш ва юқори даромад топиш мақсадида амалга оширилган алоҳида тури бўлиб, иқтисодиёти оғир ахволда бўлган кам ривожланган мамлакатларда бандлик ва иш ҳақиниг ўткир муаммоларини ҳал этишининг асосий воситаларидан бирига айланди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Меҳнат миграцияси жараёнларини барча жабҳаларини ўз ичига олган муаммолар устида кўп олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Россиялик олим Е.Трюканованинг фикрича, меҳнат миграцияси моделлари савдо оқимлари динамикаси билан ўхшаб кетади: мамлакатнинг ривожланиш даражаси ортиши билан нафақат айирбошланадиган товарларнинг тарқалиб кетиши қузатилади. Бу билан бирга мигрантларнинг сифат кўрсаткичлари, салоҳияти , малака, кўнишка таркиби ҳам кенгаяди [3].

Ҳалқаро меҳнат алмашинуви бўйича мутахассис, рус иқтисодчиси Ю.А.Яновский ишчи кучи экспортидан меҳнаткаш-мигрантнинг ўзи учун келадиган фойдани қуийдагича тавсифлайди: у ўзини ва оиласини моддий жиҳатдан таъминлайди, демак, мамлакат бойийди, соҳаси бўйича ўзини малакали деб ҳисоблайди ёки меҳнат бозорида (ўз юртида ва хорижда) талаб қилинадиган у ёки бу мутахассислик бўйича қайта тайёрловдан ўтади, мамлакатнинг солиққа тортиладиган базасини кенгайтиради [4].

Россиялик иқтисодчи олим В.Б.Супяннинг ҳисоб китобларига кўра, меҳнат миграцияси мигрантни қабул қиласидиган томон учун ҳам фойдалидир. У қуийдаги маълумотларни келтиради: 90-йиллар ўрталарида АҚШда 11 миллиондан ортиқ иммигрантлар яшаган. Улар йилига ўртача 240 млрд. доллар ишлаган бўлсалар, ундан 90 млрд. долларни солиқ сифатида бюджетга қайтаришган. Бу даврда иммигрантларнинг ижтимоий дастурлари учун давлат 5 млрд. доллар сарфлайди. Бу ҳисоб-китоблар иммигрантлардан, жумладан, меҳнат миграциясидан иқтисодий жиҳатдан фойда юқори эканлигидан далолат беради [5].

Тадқиқот методологияси. Меҳнат миграциясини тартибга солиш масалаларини ўрганишда тадқиқот методологиясининг илмий мушоҳада, анализ ва синтез, таққослаш, умумлаштириш усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. **Миграция жараёнларидағи ҳалқаро пул ўтказмалари ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига катта фойда келтиради**, шу қаторда қашшоқлик ва тенгиззликни камайишига олиб келади, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилайди. Масалан, ЮНЕСКО ҳисботларига кўра, ҳалқаро пул ўтказмалари умуман паст ва ўрта даромадли мамлакатларда таълимга ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, Лотин Америкасида шахсий пул ўтказмалари оқими натижасида таълимга сарфланган маблағлар ўртача 53 фоизга, Африка ва Осиёдаги 18 мамлакатда эса 35 фоизга ошли [6].

Меҳнат миграцияси молиявий инвестиция операцияларини қўпайтирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатларга хусусий капиталнинг оқиб келиши жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Хусусий капитал оқимининг фоизи 135 та ривожланаётган давлатнинг 20 тасига келиб

тушган. Дунё аҳолисининг 51 фоизи яшаб турган иқтисодий ривожланиши паст бўлган мамлакатлар - 1990 йилдан 2008 йилга қадар ушбу капитал оқимининг 8,5 фоизини олган. Халқаро валюта фондига ўз тўлов баланслари ҳақида маълумот берадиган 80 та мамлакатдан 52 таси ишчи кучини экспорт қилишдан даромад кўради.

Кўпгина қабул қилувчи мамлакатлар учун пул ўтказмалари оқими ушбу мамлакатларга кўрсатиладиган расмий молиявий ёрдамлар ҳажмидан ортиб кетди ва кам таъминланган аҳоли қатламларининг иқтисодий қийинчиликларни енгиш учун самарали восита ҳисобланади. Улар орқали "ўз-ўзига" ёрдам тамойили амал қиласди.

Меҳнат мигрантларининг пул жўнатмалари республика иқтисодиёти тараққиётига яхшигина ҳисса қўшмоқда. Макродаражада пул ўтказмалари Ўзбекистонда камбағаллик даражасини камайтиришда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, пул ўтказмаларини 2007 йилдан буён Ўзбекистондаги камбағалликнинг сезиларли даражада пасайишига ҳисса қўшган механизмлардан бири сифатида айтиш мумкин.

## 1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуси, %

№	Кўрсаткич номи	Йиллар					
		2001	2005	2010	2015	2018	2019
	Кам таъминланган аҳоли улуси	27,5	25,8	17,7	12,8	11,4	11,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

\*Жаҳон банки тавсиясига кўра, кам таъминланганлик кўрсаткичи кунлик 2100 kkal дан келиб чиқиб ҳисобланган.

Бироқ жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, камбағаллик даражаси 2001-2019 йилларда пул ўтказмалари қўп бўлгани учун эмас, балки иқтисодий ўсиш ва давлат трансфертларининг кўпайиши ҳисобига камайди. Шу сабабли, фуқароларнинг шахсий пул ўтказмалари, шу жумладан чет элдан пул ўтказмалари камбағалликни камайтиришда муҳим роль ўйнаса ҳам, улар давлатнинг ижтимоий ёрдами ўрнини боса олмайди.

Қашшоқликни камайтиришнинг асосий омиллари сифатида реал иш ҳақининг ўсиши ва ҳукумат трансфертларининг кўпайиши (хусусан, пенсиялар, нафақалар, туғруқ учун моддий ёрдам), уй-жой учун субсидиялар, кам таъминланган оиласарга ижтимоий ёрдам ва бошқалар)ни таъкидлаш ўринлидир.

Бундан ташқари, вақтинчалик меҳнат миграцияси ва чет элдаги олинган

даромадлар таваккалчиликни минималлаштириш, уй хўжаликлариға йил давомида керакли даромад оқимиға эришиш учун айрим даромад манбалариға хос бўлган хатарларни камайтиришга ёрдам беради. Бундай хатарлар ўзларига қуидагиларни киритиши мумкин: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги қутилмаган ўзгаришлар туфайли корхона банкротлиги ва бошқалар.

Шахсий трансферлар Ўзбекистондаги камбағаллик чегарасида яшовчи уй хўжаликлири улушкини камайтиришда муҳим роль ўйнайди. World Вапкнинг (World Bank, 2018) ҳисоботига кўра, Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги муаммолар, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги норасмий тўловларнинг кўпайиши, конституциявий кафолатларга қарамай, ушбу хизматлардан фойдаланиш, айниқса кам таъминланганлар учун давлат муассасаларида бепул базавий соғлиқни сақлаш хизматидан фойдаланишда ва ўрта таълим олишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Камбағаллик даражаси кишлоқ хўжалиги худудлариға Караганда саноатлашган худудлар иктисодий усишига купрок таъсир курсатди. Шунингдек, шахсий трансферлар иш хаки, пенсия ва бизнес даромадларидан кейин муҳим белгиловчи омил булган Узбекистонда даромадлар тенгсизлигини янада кучайтириши аникланди.

Маълумотлар таҳлили шуни курсатди, хориждан пул утказмалари камбағал оиласарга Караганда узига тук оиласарга катта фойда келтиради. Охир окибат, бундай оиласар аъзоларининг юқори сифатдаги таълим даражаси хамда купрок ахборот олиш имконига эга булганлиги сабабли, бошка мамлакатлардаги юқори иш хаки туландиган иш жойларига уй аъзоларини жунатишлари ва купрок, пул утказмаларини олишлари мумкин.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадлари, %

№	Курсаткичлар номи	Йиллар					
		2010	2013	2015	2017	2019	2020
	Умумий даромадлар-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	шу жумладан:						
I	Бирламчи даромадлар	75,7	73,0	83,1	79,1	74,6	74,3
	шундан;						
1	Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	73,4	70,3	80,8	75,8	71,7	70,9
2	Мол-мулқдан олинган даромадлар	2,3	2,8	2,3	3,4	2,9	3,3
II	Трансферлардан даромадлар	24,3	27,0	16,9	20,9	25,4	25,7

Манба: Узбекистон Республикаси давлат статистика цумитаси маълумотлари.

Демак, Узбекистонга келаётган пул утказмалари, уй даромадларининг максадли манбалари сифатида, оилавий фаровонлик ва турмуш даражасининг ошишига катта хисса күшмоқда. Улар инсон ва кучмас мулкка булган асосий эхтиёжларни молиялаштириш манбаи булиб, оила аъзоларининг таълим, со^икни саклаш ва бошқа эхтиёжларини кондиради, шу билан бирга иктиносидий усишни хам таъминлади.

Хулоса ва таклифлар. **Юкоридаги фикрларимизни якунлаб, хозирги молиявий ресурсларнинг катта микдорини ташкил этадиган меҳнат миграцияси хажмининг усиши шароитида уларни иктиносидиётга таъсири механизмини кучайтириш керак деб хисоблаймиз.** Бу механизм нафакат истеъмол талаби, уй -жой, таълим ёки тиббий хизматга булган эхтиёжлар учун балки, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва янги бизнес лойихаларига сармоялар сифатида ишлатилиши учун қулай шароитлар яратиш билан амалга оширилиши максадга мувофиқдир.

Шу уринда мамлакат миграция сиёсатини такомиллаштириш буйича куйидаги таклифларни бермокчимиз.

1. Мехнат миграциясини статистикаси ва хисобга олишнинг янги тизимини жорий этиш; Мигрантларнинг сони, таркиби ва курсаткичлар тўғрисида хакикий ва тулик маълумотларга эга булмасдан бу борадаги тенденцияларни, ижобий ва салбий оқибатларни аниклаш мумкин эмас.
2. Мехнат бозорининг асосий курсаткичларини мунтазам равишда аниклаш ва ишга жойлашиш учун кайтиб келган мигрантлар сегментини аниклаш механизмини жорий килиш зарур;
3. Узбекистонда ташки мехнат миграциясини мониторинг килишнинг доимий механизмини жорий килиш. Бу борадаги тадқикотлар институтини яратиш;
4. Мехнат мигрантларини кабул килувчи мамлакатлар билан уларнинг муаммоларини тартибга солувчи икки томонлама хукуматлараро битимларни тузиш механизмини такомиллаштириб бориш, шу жумладан хорижда мигрантларни ижтимоий химоя килиш буйича алокалар урнатиш;
5. Мехнат миграцияси соҳасидаги илмий ишларни рағбатлантириш, ишчи кучини етказиб берувчи давлатларнинг халкаро тажрибасини урганиш, мигрантларни юбориш ва кайтиб келганидан кейин уларни жамиятга мослашиш амалиётини такомиллаштириш максадга мувофик.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная практика. - М.: МГУ, 1996. - С.338, 367.
2. Экономика народонаселения: Учебник / Под ред. проф. В.А. Ионцева. Инфра-М, М.: 2007. - с.438
3. Трюканова Е. Глобализация международной миграции, роль женщин. // Миграция женщин из России, еще одна «стратегия успеха» -М.1996.- с 84 -102
4. Яновский Ю.А. Международный Конгресс "Евразия: занятость в XX I веке" Международный семинар по трудовой миграции. М: 2001
5. Супян В.Б. Глобализация экономики США: масштабы, достижения и проблемы.. Российский внешнеэкономический вестник. М: 2015.
6. Трудовая миграция, денежные переводы и человеческое развитие в странах Центральной Азии. 2015. Eurasian Development Bank. [www.eurasia.undp.org](http://www.eurasia.undp.org).
7. Статистический сборник «Миграция и денежные переводы: цифры и факты - 2018», изд. Всемирного Банка. Отдел оценки перспектив развития.
8. Международные денежные переводы мигрантов — важнейший источник финансирования развивающихся стран. Бюллетень о текущих тенденциях мировой экономики.2019, сентябрь.
9. Миграция и денежные переводы. Восточная Европа и бывший советский союз. Под ред. Али Мансура и Брюсса Куиллина. Всемирный банк. Издательство «Весь Мир» Москва 2008, с 214.
- 10.Трудовая миграция в Республике Узбекистан: социальные, правовые и гендерные аспекты.: Сб. ст. / Отв. ред. Е. В. Абдуллаев.: Ташкент, 2008. - 204 с.
- 11.Трудовая миграция, денежные переводы и человеческое развитие в странах Центральной Азии. Eurasian Development Bank. 2015.с 81.
- 12.Причины и мотивы радикализации трудовых мигрантов из стран Центральной Азии на территории России М.: 2017, с 37.
- 13.<https://kun.uz/0359218>. Объем трансграничных денежных переводов в Узбекистан приближается к прошлогоднему показателю. (дата обращение - 10.11.2020г.)
- 14.Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг йиғма таҳлилий маълумотлари. 2020 йил